

## ТЎККИЗ ЮЗ ИККИНЧИ (1496-1497) ЙИЛ ВОКЕАЛАРИ

Ушбу кишда Бойсункур мирзонинг иши анча ривож топган эди. Султон Али мирзо томонидан Абдулкарим ашрит Кўфин ва унинг якинидаги мавзеларга келган эди. Самарканддан Махдий Султон Бойсункур мирзо лашкарининг хужумчи кисмини бошлаб келиб, буларнинг устига ташланди. Абдулкарим ашрит билан Махдий Султоннинг ўзлари юзма-юз бўлдилар. Абдулкаримнинг отига Махдий Султон черкасий килич солиб йикитди. Ўзи тураётган холатида Махдий Султон кўлининг тирсагидан чопди. Уни кўлга тушириб, ўша хужумчи лашкарни яхши босдилар. Бу султонлар Самарканд ишини ва мирзоларнинг салтанатини кучсиз билиб, айрилиб, бахорда Шайбонийхон кошига кетдилар.
Шунча вокеалардан сўнг самаркандликлар тўпланиб, Султон Али мирзонинг каршисига лашкар тортиб чикдилар. Бойсункур мирзо Сарипулга келди. Султон Али мирзо Хожайи Кордзанга келди. Ушбу фурсатда Хожа Мунир Ўшийнинг куткуси билан Хожа Абулмакорим ва Андижон бекларидан Вайс Логарий, Мухаммад Бокир ва яна Косим дўлдой хамда Бойсункур мирзонинг бир гурух якин кишилари Бухоро устига юрдилар. Якин етганларида Бухородагилар хабардор бўлдилар, буларнинг ишлари юришмай, ортга кайтдилар.
Султон Али мирзо билан кўришга-нимизда, ёзда улар Бухородан, мен Андижондан келиб, Самаркандни камал киламиз, деб келишилган эди. Ўша ваъдалашувга кўра, рамазон ойида Андижондан отланиб, Ёряйлок мавзесига етганда, мирзоларнинг юзма-юз ўтирганлари хабарини эшитиб, Тўлун Хожа мўгулни икки-уч юз жангари йигитлар билан хужумчи кисм килиб айирдик. Якин етганимизда Бойсункур мирзо бизнинг бораётганимиздан хабар топиб, сафи бузилган йўсинда оркасига кайтади. Бу йигитлар ўша кеча уларнинг йўлини кўндалангига кесиб чикиб, кўп кишини отиб, анча ўлжа келтирдилар.
Биз бир-икки кундан сўнг Шероз кўргонига етдик.
Шероз Косим дўлдойда эди. Кўргонбеги Шерозни саклай олмай, кўргонни топширди. Шероз кўргони Иброхим сору ихтиёрига берилди. Тонгда фитр хайити намозини ўша ерда ўкиб, Самарканд сари йўлга чикиб, Обёр истирохатгохига тушдик. Ўша куни Косим дўлдой, Вайс Логарий, Хасан набира, Султон Мухаммад Сайфал, Султон Мухаммад Вайс уч-тўрт юз киши билан келиб, мулозамат килдилар. Бойсункур мирзо кўчиб, оркага кайтгач, биз айрилиб подшох куллугига келдик, дейишди улар. Охири маълум бўлдики,

булар бахслашиб Бойсун-кур мирзодан айрилиб, Шерозни мудофаа килгани келган эканлар. Шероз иши бундай бўлгач, ноилож колиб келишибди.
Корабулокка тушганимизда баъзи ерли кишиларга бебошлик килган (талаган) мўгулларни тутиб келтирдилар. Косимбек сиёсат учун икки-учтасини парча-парча килдирди. Тўрт-беш йилдан сўнг харбий саргардонликларда Масчодан хон кошига — Тошкентга йўл олганимизда Косимбек шу сабабли биздан айрилиб, Хисорга кетди.
Корабулокдан ўтиб, сув кечиб, Ём тўгрисида тушдик. Ушбу кун баъзи хос беклар Хиёбон бошида Бойсункур мирзонинг одамлари билан тўкнашдилар. Султон Ахмад Танбалнинг бўгзига найза санчиб йикитдилар, лекин кўлга тушмади. Хожа Калоннинг катта акаси Хожаго Мулло Садрнинг йўгон томири-га ўк тегди. Ўша захоти Тангри рахматига борди. Жуда яхши йигит эди. Отам хам кадрлаб, мухрдор килиб эди. Толиби илмлиги бор эди, тилни хийла билар эди, мактуб ёзиши хам яхши эди. Кушчиликни ва дуо билан ёмгир ёгдиришни хам биларди.
Ём атрофларида эканимизда шахардан кўп бозорчилар ва хар хил одамлар чикиб, ўрдамиз бозорга айланиб, савдо-
сотик килар эдилар. Бир куни кечкурун бирдан халойик гавго кўтариб, мусулмонлар молини батамом талон-торож килдилар. Лашкар забти шу даражада эдики, элнинг таланган нарсаларининг хаммасини сакламай кайтариб берсин-лар, деган фармон бўлди. Эртаси эрталаб икки-уч соат ичида бир катим ип ва игна синигигача бирор нарса лашкар кўлида колмади, хаммасини эгаларига кайтариб бердилар.
У ердан кўчиб Самарканднинг шарк тарафидаги Хон юртига тушилди. Бу жой Самарканддан уч курўх масофада. Кирк-эллик кун бу юртда ўтирилди. Бу юртдалигимизда бир неча маротаба ташкаридан ва ичкаридан юракли йигитлар Хиёбонда яхши килич чопишди. Бир марта Хиёбонда Иброхим бекчик киличбозлик килганда юзини чопдилар. Шундан сўнг уни Иброхим чопук дер эдилар. Яна бир сафар Хиёбонда Пули Магокда (Гор кўприги) Абулкосим кўхбур бировни гурзи билан урди. Яна бир марта Хиёбонда Тарнов мавзесида жанг бўлди. Мирзошох кавчин гурзи билан бировни кулатди. Мирзошох кавчинни эса шундай чопдиларки, бўйнининг ярмигача кесилганди, катта томиригина кесилмаганди.
Хон юртида эканимизда кўргондагилар фириб билан киши юбориб, кечаси Гори Ошикон тарафига келинг, кўргонни берамиз, дедилар. Бу хаёл билан кечаси отланиб, Пули Магокка бордим. Бир гурух сара йигитлар ва пиёдалар ваъдалашган ерга юборилди. Ичкаридан бизнинг пиёдалардан гафлатда колдириб тўрт-бештасини ўлдирдиларки, хабардор бўлдик. Хийла жасур пиёдалар эдилар. Бирисининг оти Хожи эди. Менга ёшлигидан хизмат киларди. Яна бирини Махмуд Кундури сангак дер эди. Барчасини ўлдирдилар.
Бу юртда эканимизда Самарканддан шахарликлар ва бозорчилар шунчалик кўп чиккан эдики, лашкар ўрдаси шахарга айланганди. Шахардан хар нима истасалар, лашкаргохдан топиларди. Бу муддатда Самарканддан бошка барча кўргонлар ва тогу туз кўл остимга кириб эди. Шовдор тогининг этагида Ургут номли кўргонни бир жамоа беркитди. Зарурат бўлиб бу юртдан кўчиб, Ургут устига борилди. Токат килолмай Хожа Козини орага солиб келдилар. Биз хам гунохларини афв килдик. Яна Самарканд камалига кайтдик.
Ушбу йили Султон Хусайн мирзо билан Бадиуззамон мирзо орасидаги нифоклар урушга айланди. Бунинг тафсилоти шуки, ўтган йили Балхни Бадиуззамон мирзога, Астрободни Музаффар мирзога бериб куллук килдирган эди, бу хакда юкорида ёзган эдик. Ўша

муддатдан бу муддатгача кўп элчилар бориб-келдилар.
Охири Алишербек хам элчиликка келди. Харчанд харакат килсалар хам Бадиуззамон мирзо Астрободни инисига бермокка рози бўлмади: „Менинг ўглим Мухаммад Мўмин мирзони хатна килганда, мирзо унга багишлаган", деди.
Бир куни Алишербек билан Хусайн Бойкаро орасида бир сухбат бўлиб ўтдики, бу мирзонинг тезфахмлигига, Алишербекнинг кўнгли нозик ва юмшоклигига далилдир. Алишербек махфий сўзларни мирзонинг кулогига кўп гапирди. Тагин дедики: „Бу сўзларни унутинг". Мирзо дархол айтдики: „Кайси сўзларни?". Алишербек кўп таъсирланиб, роса йиглади.
Охири ота-ўгил орасидаги бу гап-сўзлар шунга олиб келдики, отаси отасининг устига ва ўгли ўглининг устига Балх ва Астрободга лашкар тортдилар. Султон Хусайн мирзо Бадиуззамон мирзо устига, Музаффар Хусайн мирзо Мўмин мирзо устига лашкар тортди. Гурзивоннинг куйисида Якчирог ўтлогига куйидан Султон Хусайн мирзо, юкоридан Бадиуззамон мирзо келдилар. Чоршанба куни рамазон ойининг бошида Абулмухсин мирзо Султон Хусайн мирзонинг бир неча беклари ва бир даста хужумчиси билан илгарирок келди. Унчалик кўп уруш хам бўлмади, Бадиуззамон лашкари босилди. Кўп сара йигитлар кўлга тушди. Султон Хусайн мирзо барчасининг бошини кестирди. Ёлгиз бу эмас, качонки бир ўгли ёвлашган бўлса, хамиша бостирди. Кўлга тушган навкарларининг барчасининг бошини кестирди. Хак унинг томонида бўлгач, у не килсин. Бу мирзолар шунчалик бузукчилик ва айш-ишратга машгул эдиларки, рамазондек табаррук ва азиз ойга бир кечалик фурсат колганда, отасидек кўпни кўрган ва ишбилармон подшох ярим кун-
лик йўлдан келган вактда хам, отасидан ийманмай, Худодан кўркмай, хануз иши май ичмок, мажлисоролик билан дилхушликка берилмок бўлди: мукаррардирки, бундай киши ўшандай шикаст топади ва бундай яшаган элни хар ким енга олади.
Неча йилки, Астробод хукумати Бадиуззамон мирзода эди, хонадон ахли ва хизматкорлар хамда йигит-яланги жуда серзавк ва зеб-зийнатга ботган эди. Олтин ва кумуш асбоб-анжомлари жуда кўп эди. Дабдабали кийинган йигитлари ва чопкир отлари бехисоб эди. Барчасини шу ерда бой берди. Кочаётганида тог йўлига учраб, эниш ва учма жойларга йўликиб, ўзи ташвиш билан учмадан тушди. Кўп эли бу учмада нобуд бўлди.
Султон Хусайн мирзо ўглини бостиргандан сўнг, Балхга келди. Бадиуззамон мирзо Балхга Шайх Али тагойини кўйиб эди. Чора кила олмай, чикиб Балхни топширди. Султон Хусайн мирзо Балхни Иброхим Хусайн мирзога бериб, Мухаммад Валибек ва Шох Хусайн танкўрикчини у билан колдириб, ўзи Хуросонга кайтиб кетди.
Бадиуззамон мирзо шикастдан сўнг таланиб, бор-будини олдириб, йигит-яланг ва яёв-яланги билан Кундузга—Хисравшохга томон йўл олди. Хисравшох хам яхши хизматлар килди. От ва туядан, чодир ва шохона чодирлардан, балки барча сипохилик ярог-аслахасидан мирзога ва мирзо билан бўлганларга бериб, шу даражада хизмат ва одамгарчилик килдики, буни кўрганлар: бурунги ярог-аслаха билан бунинг ўртасида фарк йўк, тафовут балки тилла ва кумуш нарсалардагина холос, дедилар.
Султон Масъуд мирзо билан Хисравшохнинг орасида Султон Масъуднинг бекарорлиги, Хисравшох обрў-эътиборининг ортганидан жанжал ва гина-кудуратлар чиккан эди. Хисравшох Вали ва Бокини Бадиуззамон мирзога кўшиб, Султон Масъуд мирзонинг устига — Хисорга жангга юборди. Улар кўргонга якин хам кела олмадилар. Атроф-тевbooракдан наридан-бери бир-икки килич солишдилар. Бир навбат Хисорнинг

шимол тарафи Кушхона ўлангида Мухиб Али кўрчи элдан айрилиб келиб, яхши жанг килди. Отдан йикилиб кўлга тушиш олдида яна у томондан зўрлаб, халос килдилар. Бир неча кундан сўнг нари-бери сулх тузган бўлиб, кайтиб кетдилар.
Бир неча кундан сўнг Бадиуззамон мирзо тог йўли билан Кандахор ва Замини Доварга: Зуннун аргун ва унинг ўгли Шох Шужоъ аргун томонга жўнади. Зун-нун аргун хасислик ва бахиллигига кара-май, яхши хизматлар килди. Бир тортик килганда кирк минг кўй совга килди.
Гаройиб вокеалардан бири шуки, Султон Хусайн мирзо Бадиуззамон мирзони енгган чоршанба куни, Астрободда Музаффар мирзо Мухаммад Мўмин мирзони енгади. Бундан хам ажаброги шундаки, Чахоршанба исмли киши Мухаммад Мўмин мирзони кўлга тушириб келтиради.

давоми бор